СССР Давлат китоб палатаси
29 08 94

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1994 йил 17 август • Чоршанба • № 64 (14225) • ترکستان • TURKİSTAN • Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 август куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Р. Отунбоевани қабул қилди.

Суҳбатда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида имзоланган икки томонлама ҳужжатлар ҳамда ягона иқтисодий макон яратиш ҳақидаги шартномада белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Ислом Каримов иқтисодий интеграцияни кучайтириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш ҳозирданоқ яхши самаралар бера бошлаганини таъкидлади. Бу борадаги ишларни равнақ топдиришда икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари муҳим ўрин тутишини айтди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов иштирок этди.

Суратда: қабул пайти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 август куни француз тилида чоп этиладиган оммавий нашрлардан бири "Пари матч" журнали мухбирлари Катрин Брасс ва Риккардо Корриасни уларнинг илтимосига кўра қабул қилди.

Мухбирлар суҳбат чоғида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хорижий мамлакатлар билан йўлга қўйилаётган алоқалар, Ўзбекистон раҳбариятининг минтақада тинчликни қарор топтириш ва иқтисодий интеграцияни кучайтириш борасидаги сиёсати билан қизиқишди. Президент мухбирларнинг барча саволларига батафсил жавоб қайтарди.

Маълумки, "Пари матч" журналининг Оврўпа нашри 25 мамлакатга тарқатилади ва 2 миллиондан ошиқ ўқувчиси бор. Журнал мухбирлари мамлакатимизнинг бугунги кўнги тўғрисида туркум мақолалар тайёрлашди. Мазкур мақолаларни журналнинг шу йил сентябрь сонида чоп этиш мўлжалланмоқда.

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

16 август куни Ўзбекистон республикаси ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов ва мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Р. Отунбоева ўртасидаги музокаралар давом этди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Қирғизистон республикалари Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ўзаро маслаҳатлашувлар ҳақидаги протокол ва икки давлат элчихоналари фаолиятига оид масалаларни ўзаро келишиб ҳал этиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Музокараларда Қирғизистон республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва муҳтор элчиси С. Жигитов ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ИСТИҚЛОЛНИНГ ОДДИЙ ҲАҚИҚАТИ

Дунёда байрамлар кўп. Мамлакатда ҳам байрамлар кўп. Бир турфаси борки, ийди умумий, яъни — сизники ҳам, бизники ҳам.

Яна бир гап шуки, байрамни санадан фарқламоқ керак. Етмиш тўрт йил тугал саналарни санаб адоғига етмадик. Юртимиз манглайига қуллик тамғаси урилган саналарни ҳам миямизга байрам дея тиқиштирдилар. Биз ҳам уларнинг байрам эканига ишондик. Ҳар йили еттинчи ноябрь куни кўчаларни тўлдириб оққанимизга бугун ўзимиз ишонмай турибмиз.

Ёдингизда бўлса, аввалига Наврўз қайтиб келди. Наврўз учун курашда халқимизнинг истиқлолга ташналиги бўй кўрсатди. Наврўз тикланиши — халқимиз шаъни ва шавкати тикланиши жараёнида биринчи босқич бўлди. Шу сабаб, бу гўзал байрам биз учун ҳам баҳор ва ҳам озодлик учун курашиш тимсолига айланди.

Бор-йўғи уч йил ичида кўзқарашимиз бу қадар ўзгаради, деб ҳеч ўйламаган эдик. Бу ҳам — истиқлол шарофати. Истиқлол сабоқлари истиқлол нашидаси қадар зўр ва суръатлидир.

Диний байрамларнинг тикланиши ҳам миллий ғурур камолоти билан боғлиқ. Бугун ийди Рамазон ҳам, ийд ал Фитр ҳам истиқлолнинг узвий йўлдошлари каби идрок этилади.

Мустақиллик байрамининг аҳамияти нимада?

Бундай савол шаккоклик бўлиб туюлиши ҳам мумкин. Аммо шу ҳ[illegible] Президентининг тилида янграгани масала моҳиятига чуқурроқ боқишни тақозо этмайдими?

Дарвоқе, Президент бу саволни янада кескинроқ қўйди: Ўзбекистон мустақиллиги кимга ва нима учун керак?

Албатта, истиқлолни иймон иши деб тушунган ҳар бир инсон кўнглида бу саволга муносиб жавоблар бор.

Аммо бу савол энг чиройли жавобни топиш учун эмас, балки мустақиллик ва унинг муборак номини олган байрамнинг аҳамиятини яна бир карра баҳолаш учун айтилгани аниқ.

Президент таъкидладики, халқимиз бу муборак кунни неча асрлар давомида орзу этди, унинг бу орзу йўлида чеккан жафолари беҳисоб. Қадриятлар топталди, удумлар мазах этилди, миллий онг заҳарланди. Дўппи кийган, рўмол ўраган ўзбек зоти борки, масхара қилинди, тазйиқ остига олинди.

Аввалambор, деди Президент, мустақиллик, бу — шу халқнинг, шу миллатнинг ўз тақдирини ўз қўлига олгани. Ўз урф-одатлари, удумларини тиклагани. Ўзига хос ва ўзига мос йўлни тутгани. Булар — оддий ҳақиқат. Буюк ҳақиқатлар шундай оддий бўлади. Буюк кунини кўзлаб айтгандай. Унинг ёд этилмиш сатри бугун ҳар биримизнинг умримиз шиорига айланса арзигулик.

Озодлик боис, миллий мафкура, миллий онг тушунчалари қайтадан ва янгича шиддат билан жўнбушга келди. Давлат, жамият, оила қадар барча ижтимоий кўламларга таъсир ўтказди. Мамлакат тараққиёти одимларини белгиловчи мезонга айланди.

Миллий мафкура — шунчаки тор тушунча эмас. Жамият мақсади адолат этиб олинган экан, мафкурамиз маҳдудлик ва биқиқликка рағбат бермайди. Мамлакат Президенти шу нуқтани алоҳида таъкидлаб айтдики, мана шу муқаддас заминда яшаётган, мана шу муқаддас заминни ўз Ватаним деб юракдан ҳис этган, шу ватан ўтмиши, бугуни ва келажагини ўйлаганда жони жизиллаб турган ҳар бир инсонга, унинг миллати ва мазҳабидан қатъи назар, муносиб ҳаёт қурмоқ керак.

Бунинг учун замин бор. Замин шуки, улуғ тарихимиз, чексиз маънавий меросимиз, моддий бойлигимиз, меҳнатдан қочмайдиган заҳматкаш халқимиз бор.

Буларнинг бариси бир-бирига зарб этилса, шундай қудратли омилга айланадики, мўътабар заминимизда яшаётган фуқаролар ва уларнинг азиз фарзандлари учун муносиб ҳаёт яратиш мақсади табиий бир ҳол сифатида англанади.

Президент биздан мана шу оддий мақсад ва оддий ҳақиқатни англашни талаб этмоқда. Бунга унинг маънавий ҳаққи бор. Негаки, унинг пешонасига ана шу ғояга жонни тикмоқ ёзилган. Масъулияти ҳам шунга яраша.

Ватанни ўзи каби севмоққа чорлаётган кишини мақташ, кўкларга кўтариш асло шарт эмас. Фуқародан талаб этиладиган вазифа ҳам жуда оддий — меҳнат ва журъат бобида имкон қадар ҳамкор бўлиш.

Мустақиллик ҳақида гап кетаркан, баландпарвоз гаплар ва қуруқ мадҳияларни четга суриб, зикр этилмиш оддий ҳақиқатни янада оддий қилиб халқ онгига етказиш бугунги асосий вазифадир.

Тантанавор байрам ва жиддий сарфу харажатлар не учун керак, деб сўраган ҳар бир кишига ҳам ана шу оддий ҳақиқатни эслатиш даркор.

Яна шуни англамоқ керакки, мустақиллик учун кураш, истиқлол кунига етиш ва уни байрам деб белгилаш билан тугаб қолмайди. Мустақиллик — ҳар кунлик меҳнат. Оғир, машаққатли ва шарафли меҳнат. Истиқлол ўз мевасини бермоғи учун бизнинг саботимиз керак.

Мустақиллик байрамининг аҳамиятини сўз билан ифода этиш қийин. Уни барчамиз юрак билан ҳис этиб турибмиз. Мустақиллик байрами — биз учун ягона байрам. Энг миллий ва энг ўзбекона байрам. Ҳар гал бу муқаддас байрам шарофати билан юртимиз жонланади, чирой очади, ораста бўлади. Бу байрам фуқарони фаолроқ ва фидойироқ бўлишга чорлайди, қийинчиликлардан чўчимасликка, эртанги фаровон кун шукуҳини англаб етишга, керак бўлса, ўшал орзиқиб кутилаётган кунлар ҳаққи ҳурмати учун барча ҳузур-ҳаловатдан ҳам воз кечишга ўргатади.

Вақт — энг катта муаллим, деган бир ҳикмат бор. Озодликда кечирилган вақт сабоқлари эса янада буюкроқдир.

Истиқлол куни — халқимизнинг қадимий тарихида янги фаслни, умидлар барқ уриб гуллаган фаслни бошлаб берди. Илло, бу фасл ғунчалари бехато очилажак. Биздан талаб этилаётган нарсаларнинг моҳияти ҳам оддий — жипслик, меҳру оқибат ва меҳнат.

Президентимиз мустақиллик байрами арафасида бизга яна бир бор эслатган оддий ҳақиқатларнинг маъноси ҳам ана шунда.

БАЙРАМ ШУКУҲИ КЕЗАР ВАТАНДА

ШОИР ЧУСТИЙ ЮБИЛЕЙИГА

Зуллисонайн истеъдод соҳиби, оташзабон ва забардаст арузнавис шоир Чустий (Набихон Хўжаев)нинг 90 йиллик юбилейи бу йил Наманганда кенг нишонланади.

Вилоят ҳокими Б.Рапиғалиевнинг шоир Чустий юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан қабул қилган қарорида бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтилган.

Шоирнинг киндик қони тўкилган юрт — Чустда юбилейга тайёргарлик ишлари, айниқса, қизғин бормоқда. Ғафур Ғулом номли нашриёт тавсиясига асосан шоирнинг янги "Кўнгил тилаги" девони Чуст шаҳар босмахонасида нашрдан чиқиш арафасида. Янги девон шоирнинг аввалги тўпламларига киритилмай қолган ғазалларидан тузилган. Китоб 4 минг нусхада чоп этилади. Маҳаллий ижодкор, шоирнинг мухлиси Мансур Иноъомнинг шоир ҳақида тўплаган "Хотира китоби" ҳам нашрдан чиқиш арафасида. Шунингдек, шоир ҳаётини ифодаловчи мусаввирлик ишлари учун танлов эълон қилинди. Танлов ғолиблари қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланадилар.

Шоир юбилейи шу йилнинг август ойи охирларида ўтказилиши режалаштирилган.

Ғаффор РАСУЛ,
Наманган вилояти.

Арафа қувончлари

ТАБАРРУК ТЎЙ ТАШВИШЛАРИ

Ёки Мустақиллик майдонидан репортаж

Болалик чоғларимиз "фалончи тўй қилармиш" деган хабарни эшитсак, ўша тўй бўладиган хонадон теварагида гирдикапалак бўла бошлардик. Худди бошқа жой қуриб қолгандай, қувлашмачоғу бекинмачоқ ўйинини ўша ерда кизитиб юборардик. Нечундир севинчимиз чексиз, димоғимиз чоғ бўларди. Мен ўша пайтлар тўйнинг ўзидан ҳам кўра тўйга тараддуд кўриш нақадар гаштли, нақадар файзли эканлигини ҳис қилганман. Тўйчилар аллақандай мамнун ва қувноқ қиёфада у ёқ-бу ёққа зир-зир югуришар, бир-бировига хандон-хандон гап ташлаб қўйишарди.

Жонажон Ватанимизнинг пойтахтидаги Мустақиллик майдони бугун ўша сершавқ ва серфайз тўйхонани эслатади. "Тошқурилиш" трестининг бир қанча бўлимлари бу ерда ҳормай-толмай қурилиш ишлари олиб боришаяпти. Биз куни кеча ушбу бунёдкорлик ташвишлари қайнаган майдонга бориб, қандай юмушлар амалга оширилаётганлиги билан қизиқдик.

— Ўн мингдан ортиқ киши сиғадиган театрни қуриб бўлдик, — дейди учинчи бригада бошлиғи А. Самсонов.

— Ҳозир пардозлаш ишлари кетаяпти.

Ҳа, янги томошагоҳ Мустақиллик майдонига ўзгача ҳусн бағишлаб турарди. Ўртада саҳна. Тангри ёрлақаса, тез кунлар ичида саҳна узра жонажон юртимизнинг таниқли арбоблари, санъаткорлари кўтарилиб, ўзларининг дил сўзларини севинчу-ҳаяжон билан сўзлашади. Ҳамма ёқни карнаю сурнайларнинг шўх нағмаси, хушовоз ҳофизларнинг латиф хонишлари босиб кетади.

Очиқ гап, бундан тўрт, беш йил аввал мана шу майдон бу қадар кескин ўзгариш касб этади, деб ҳеч биримиз хаёлга келтирмаганмиз. У пайтлар Ленин майдони ёки Қизил майдон деб аталадиган бу гўша, номидек совуқ ва файзсиз эди. Фақатгина 1 Май ва 7 ноябрь арафасидагина бу ерда узундан-узоқ, зўрма-зўраки намойишлар ташкил этилар, бошқа пайтлар эса ҳувиллаб ётарди. Ўша байрам намойишларига оддий халқ яқин келтирилмас, теварак-атроф милиция ходимлари томонидан қаттиқ қўриқланар эди. Мана, уч йилдирки, бу майдон ҳақиқий халқ сайилгоҳига айланди. Байрамлардан бошқа кунлар ҳам бу ер одамлар билан гавжум. Халқ майдони ўз эгаларини топди.



Луқмон БЎРИХОН,
"Туркистон" мухбири.

«МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА РАҚСГА ТУШСАМ...»

Мана, Ўзбекистонимизнинг мустақилликка эришганига ҳам уч йил тўляпти. Ушбу санани нишонлаш учун Мустақиллик майдонида жуда катта тайёргарлик ишлари олиб борилаяпти. Яқин кунлар ичида бу майдон одамлар билан янада гавжумлашиб, кўнгилларни хушнуд этувчи куй ва рақслар билан янаям файзли бўлиб кетади.

Биз таҳририят ходимлари ҳам тўйга тўёна деганларидек, тўй майдонида сайр қилиб юрган кишилар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг дил сўзларини ёзиб олдик.

— Артиқбой РАҲИМОВ — Хоразм вилояти Шовот тумани агросаноат фирмаси директори.

— Ҳар сафар Хоразмдан Тошкентга келганимда ҳар қандай шароитда вақт топиб, мана шу майдонни бир айланиб кетишни, ҳавас қиламан. Бу гал ҳам, мана, кўриб турибсиз, турмуш ўртоғим ва фарзандларим билан байрам тараддудини кўриш мақсадида келгандик. Майдонни айланиб чиқиб қилинаётган ишлар ва безатилишини кўриб, ҳурсанд бўлдик. Ҳар айланишга келганимда майдонга ўрнатилган Ер шарида тасвирланган Ўзбекистонни кўриб ниҳоятда ҳаяжонланиб кетаман. Сабаби Ер шарини ушбу ерда кўришни неча йиллаб орзу қилдик. Ва, ниҳоят, эришдик ҳам. Мана шу орзуимизни ушалганига бағишлаб ўтказиладиган байрамга, насиб этса, оила аъзоларим билан келиб қатнашмоқчиман.

Дилноза АБДУЛЛАЕВА — мактаб ўқувчиси:

— Бўш бўлдим дегунча, айниқса, ёз фаслида шу майдонга келишга шошиламан. Чунки фавворалларнинг чиройли отилиши, катта-кичик, тенгдош опа-сингил ва ака-укаларимнинг қувноқ бўлиб юришларини четдан туриб кузатишни жуда яхши кўраман. Айниқса, фавворалар тагида чўмилиш жони-дилим. Шу ўринда сизга бир нарсани айтмоқчиман. Дарсдан бўш вақтларимда рақс тўтарагига қатнашаман. Рақс тушишни энг севимли машғулотим десам ҳам бўлади. Яқинда бу майдонда Мустақилликнинг уч йиллик байрами бўлади. Мен ҳам ўша байрамда бошқа рақоса тенгдошларим қатори рақс тушишни жуда-жуда истардим.

Замира АСҚАРОВА — уй бекаси:

— Менимча, Мустақиллик ҳақида кўп гапираяпмиз. Лекин унинг қадрига етиш ва уни янада мустаҳкамлаш учун ҳар биримиз ижодий ишлашимиз керак.

Мустақиллик — бу буюк неъмат. Уни кимлар орзу қилиб, армонда кетмаган, кимлар унга интилиб, қурбон бўлмаган, дейсиз. Шукрлар бўлсинким, истиқлолга эришдик. Бу — бизнинг бахтимиз. Порлоқ келажагимиз. Шундай экан, ҳар бир ўзбекистонлик Мустақилликнинг қадрига етмоғи ва уни мустаҳкамлаш учун фидокорона меҳнат қилмоғи керак. Бу — бизнинг бурчимиз.

Рифқат ва Раъно УМАРОВАЛАР — бири стоматолог, бири иқтисодчи:

— Яхши дам, меҳнатга ҳамдам, деганларидек, меҳнат таътилидан фойдаланиб, оиламиз билан сайр қилиб юрибмиз. Майдондаги байрамга тайёргарлик ишларини кўриб қувондик. Халқимиз катта шодиёна арафасида турибди. Ҳадемай, мустақиликнинг 3 йиллигини кенг нишонлаймиз. Бу шодиёна моҳиятан бошқа байрамлардан фарқ қилади. Чунки бу байрам — бахт, шодлик, бирлик, тинчлик, мустақиллик байрамидир.

Мустақиллик майдони кундан-кунга тобора одамлар билан гавжумлашиб бормоқда. Бу эса халқимизнинг қутлуғ байрамни соғинганидан, уни нишонлашга ошиқаётганидан далолат беради.

Осмонимиз мусаффо, заминимиз тинч, юртимиз обод, кўнгиллар шод бўлсин. Бошимиз байрамдан чиқмасин!

Эркин МАВЛОНОВ.
"Туркистон" мухбири.

Иқтисодиётнинг устивор йўналишлари

ИСЛОҲОТНИ ДАВЛАТ ОЛИБ БОРАДИ

Иккинчи мақола

Мана шу бениҳоя мураккаб шароитда биз ўзимизнинг янгиланиш, ривожланиш ва тараққиёт йўлимизни ишлаб чиқдик. Ўтиш даври қийинчиликларини бартараф қилиш концепциясининг пойдеворини ташкил этувчи бешта қоида шу йўлга асос қилиб олинди. Бу қоидаларнинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

Биринчидан : иқтисодиёт сиёсатдан устун бўлиши керак, ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи этишни таъминлаш зарур:

ИККИНЧИДАН, ДАВЛАТ АСОСИЙ ИСЛОҲОТЧИ БЎЛИШИ КЕРАК, У ЭНГ МУҲИМ СОҲАЛАРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРИШИ, ИСЛОҲОТЛАР СИЁСАТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШИ ВА УНИ ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИШИ, ЖАҲОЛАТПАРАСТЛАР ВА КОНСЕРВАТОРЛАРНИНГ ҚАРШИЛИГИНИ ЕНГИШИ ЛОЗИМ...

Ислом КАРИМОВ

Азиз муштарий, газетамизнинг олдинги сонида иқтисодий тараққиётнинг биринчи тамойили ҳақида суҳбатлашгандик. Бугун иккинчи тамойил, унинг моҳияти борасида сўз юритмоқчимиз.

ДУНЁДАГИ қайсики мамлакат янги ривожланган жамият тузмоқчи бўлса, ўзига хос дастур тайёрлайди. Америкада эркин бозор муносабатлари кучли ўрин тутса, Япония ва Франция андозаларида хўжалик фаолиятини ташкил этишда давлатнинг иштироки салмоқли. Олмония ҳамда Швеция андозаларида ижтимоий йўналиш устивор. Лекин, салкам 70 фоиз аҳолиси қишлоқ шароитида кун кечираётган, ижтимоий-тарихий келиб чиқиши Ислом дини билан боғлиқ анъана ва урф-одатларга бой ўлкамизда бозор иқтисодиётига ўтиш учун ҳеч қайси андозага ўхшамаган, аммо уларнинг тажрибасидан фойдаланиб янги дастур тузиш талаб қилинди. Ахир 50 фоиз аҳолини ёшлар, болалар ташкил этади, улар ҳар доим муҳофазага муҳтож. Бундан ташқари собиқ СССР даврида бирламчи хом ашё етиштиришгагина асослаб ҳамда қолган барча зарур нарсаларни Россиядан келтиришга мўлжаллаб қурилган иқтисодий шароит натижасида Ўзбекистон халқининг 70 фоизга яқини тирикчиликни ўтказиш учун зарур бўлган жами даромаднинг энг қуйи даражасидан ҳам паст ҳаёт кечиришга мажбур бўлди. Тоталитар буйруқбозлик — тўрачилик тизими оқибатида инсоннинг журъати ва мулкка хўжайинлик туйғуси йўқолди. Ижтимоий ҳаёт, озиқ-овқат, деҳқончилик, экология, энергетика соҳаларидаги кўпгина дастурлар иқтисодий қарама-қаршиликларни чуқурлаштириб юборди ва натижада модий ҳамда молиявий маблағлар тақчиллашиб, ташқи қарз кўпайди, иқтисодиёт батамом издан чиқди. Меҳнатни рағбатлантириш бузилди. Ана шу иқтисодий хатоларнинг умумлашиб, ўз вақтида тузатилмаганлиги, аниқ дастур ишлаб чиқилмаганлиги туфайли одамларнинг ижтимоий руҳияти салбий томонга ўзгарди. Тайёрга айёрлик, ишёқмаслик, бепарволик, лоқайдлик, боқимандалик юзага келди.

Бу иқтисодий инқирозлар тўғрисида ва СССР тарқалиб мустақил давлатлар тузилишидаги шарт-шароитлар ҳақида Президентимиз Ислом КАРИМОВнинг шу йил "Ўзбекистон" нашриётида чоп этилган "Биздан озод ва обод Ватан қолсин" китобидан батафсил ўқиб билишингиз мумкин.

Хўш, собиқ СССРдан мерос қолган шунча ташвиш, шунча қийинчилик, шунча оғирликни ким бўйнига олади? Ким ўзбек халқининг дардига малҳам бўлади-ю, жонига оро киради? Энди бу халқни юрагида журъат ўтини ёқиш зарур. Токи улар шу юрт, шу Ватан учун жон фидо қилишга тайёр турсинлар. Токи, мутеликка, тобеликка, боқимандаликка маҳкум этилган одамлар яна кимгадир хизмат қилиш, кимнингдир буйруғини адо қилиш учунгина яшамасинлар, уларнинг ўз эътиқоди, ўз ақидалари, ўзи сиғинар мозори бўлсин. Хўш, бунинг учун нима қилиш керак?

"Ўзбекистон — келажаги буюк давлат, деб таъкидламоқ учун барча асослар бор. Республикада ҳамма нарса: табиий бойликлар, унумдор ер, қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд", дея ёзади мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" номли рисоласида. Пухта ўйланган ва узоқни кўзлаб тузилган иқтисодиётни ислоҳ қилиш дастурининг иккинчи тамойили шундай:

Давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозим. У ислоҳотларнинг устивор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартишлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши, жаҳолатпарастлар ва консерваторлар қаршилигини бартараф этиши шарт: фақат давлат, қонуний йўл билан сайланган ҳокимиятгина ислоҳотчи бўлса — ҳаётда ижобий ўзгаришлар юз бериши мумкин, давлат бошқариш жиловини қўлдан бермаслиги керак.

Дарҳақиқат, биз ўзимизни ўйлантирган саволларга шу иккинчи тамойилдан жавоб топамиз. Унинг маъноси нима? Юқорида таъкидланганидек одамлар, қайсики 70 фоиз қишлоқда яшаб, оғир кун кечираётган, боқимандалик ҳамда тайёрга айёрлик кайфиятида турган ҳолда ўз майлига қўйилса ва ҳар ким ўз кунини ўзи кўрсин қабилида иш тутилса 50 фоиз ёшлар ҳам, қолганлар ҳам боши берк кўчага кириб қолган бўлурди. Бундай ҳолатда одамлар тез ҳиссиётга берилувчан ҳамда асабларнинг таранг тортилганлиги туфайли бузғунчиларнинг гапига кирувчан бўлади. Оғмачилик юзага келади. Натижада, Тожикистон республикаси ёки Грузия, Югославия бошдан кечирган маданий ёдгорликларни йўқотгувчи, жигаргўшалардан айиргувчи уруш бўлиши мумкин эди. Худога шукурки, мамлакатимиз Президенти ҳамда ҳукуматимиз жуда оқилона ички ва ташқи сиёсат юргизиб, бизни ана шундай фалокатдан асради. Ақл — доимо ғолиб деган шиор илгари сурилди. Эҳтимол, сиз ўйлаётгандирсиз, иқтисодий дастур билан одамларнинг кайфияти ва тинчлик ўртасида қандай боғлиқлик бор, деб. Урушжанжал — аввало калаванинг учини йўқотиб қўйиш оқибатида, аниқ дастурсиз, мақсадсиз ҳаракат қилинган чоғда мамлакат ичкарисида юз беради. Ғанимларга ана шу керак. Биз-нинг мамлакатда эса да латнинг бошқара олиш хусусиятидан унумли фойдаланилмоқда. Шу сабабдан ҳам аниқ дастурлар ҳаётий кучини кўрсатаётир. Масалан, жаҳондаги энг илғор технологиялар асосида барпо этилаётган қўшма корхоналар жаҳон андозасидаги маҳсулотлар билан нафақат ички бозорни, балки четдаги шерикларни ҳам таъминлаяпти. Натижада, ишчилар моддий манфаатдорлиги, уларнинг қайта ўқитилиши, иш билан таъминланиши йўлга қўйиляпти. Газ, энергия, нефть маҳсулотларини етказиб бериш, транспортнинг мўътадил иш маромида бузилиш ҳоллари юз бергани йўқ. Энг муҳими, кечқурун осойишта уйқуга ётиб, эрталаб ширин тушлар оғушида уйғонган одамлар эмин-эркин ўқиб, дам олиб, ишлашл ри учун шарт-шароит муҳайё. Ахир, ҳар қандай дастур амалга ошиши учун тинчлик зарур. Албатта иккинчи тамойилнинг асосий мақсади шундангина иборат эмас, балки Ўзбекистон халқининг турмуши фаровон, ҳаёти янада завқли бўлиши учун, мулк ўз эгасини топиб, кўплаб соҳаларда маҳсулотлар чет элга экспорт қилиниши учун ҳали амалга оширилажак ишлар кўлами кенг. Шунча ташвиш ва уни енгиш учун тадорик кўриш фақат юқоридан бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам давлат бош ислоҳотчи.

Тўлқин ЁРҚУЛОВ,
шарҳловчи.

ШОҲМОТ

ПОРЛОҚ КУНЛАР ЯҚИН

ТОШКЕНТДА РЕСПУБЛИКА ШОҲМОТ-ШАШКА КЛУБИНИНГ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Унда республикамизнинг турли вилоятларидан келган 119 нафар шоҳмотчи иштирок этди. Ўйинлар 11 кун давом этгач, чемпионат ғолиблари ҳам маълум бўлиб қолди. Бу мукофотга Халқаро миқёсдаги спорт устаси Николай Перегудов сазовор бўлди. Болалар учун ажратилган махсус мукофот Сергей Григорянга насиб этди. У 11 имкониятдан 8 очко жамғариб, кўпчиликнинг таҳсинини олди.

Ғолибларга мукофотларни топшириш пайтида республика шоҳмот федерацияси вице-президенти Сергей Пинчук қатнашди. У мамлакатимизда шоҳмотни ривожлантириш борасидаги қилинаётган ишлар, таклифлар борасида йиғилганларга сўзлаб берди. Ҳамда шоҳмотчилардан жойларда бу хайрли ишни янада кенг йўлга қўйиш, истеъдодларни кашф этишда жонбозлик кўрсатишни сўради.

Республикамизда шоҳмот қандай ривожланмоқда? Ўзбекистонда шу кунга келиб, тўртта гроссмейстер мавжудлиги бу борада олиб борилаётган ишларнинг нечоғли салмоқли эканлигидан далолат бермоқда. Шоҳмот жонкуярларидан бири, Ўзбекистон шоҳмот федерациясининг биринчи вице-президенти Мамажон ака Муҳиддиновнинг таъкидлашича, шоҳмотда ҳикмат кўп экан: "Шоҳмот — кишининг ўз-ўзини тарбиялаш манбаи. У одамни ҳаётда янглишмаслик, тўғри йўлни топа билиш, керакли вазиятда иродани қўлга олиб, мураккаб ҳолатлардан чиқиб кетиш каби хислатларга ўргатади. Шоҳмот ўйнайдиган одамларнинг ўзини тутиши, гаплари анчагина мантиқли бўлади".

Биронта ўзбек хонадонида шоҳмот сурмайдиган азамат топилмаса керак. Кўпчилик тўпланадиган жойларда-ку, албатта шоҳмотчилар дона суришади. Мен ҳатто ойда бир марта "шоҳмот оши" ейдиган инсонларни биламан. Эрта тонгдан то шом қоронғусигача, 5-10 киши шоҳмот атрофида парвона бўлади. Суҳбатлар ҳам фақат ва фақат шоҳмот ҳақида боради.

Аммо ҳамма жойда ҳам шоҳмотга эътибор талаб даражасида бўлаётгани йўқ.

Республика шоҳмот-шашка клубининг очиқ чемпионати мусобақаларида Бухоро ҳамда Жиззах вилоятларидан вакиллар ташриф буюрмади. Нима, уларда шоҳмот сурадиганлар йўқми? Аксинча, ўнлаб, юзлаб топилади. Бирок бу ҳақда қайғурадиган, шоҳмотсеварларни уюштирадиган фидойи инсонлар бўлмаслиги мумкин. Мана шунақа бир-икки масъулиятсизларнинг касрига вилоятдаги спортчилар танилмай қолиб кетавериши мумкин. Энг ёмони ҳам шу.

Тўғри, иқтисодий тақчиллик ҳамманинг ҳам касрига тушган. Бундан бўйин товлаб бўлмайди. Аммо қийинчиликсиз ғалаба, муваффақият бўладими?

Ўзбекистонимизда шоҳмотнинг келажагини белгилайдиган истеъдодли ўйинчилар бор: тошкентлик 16 ёшли Рустам Қосимжонов, самарқандлик 18 ёшли Марат Жумаев, сурхондарёлик Бегали Саидовлар бир кун келиб Ўзбекистон шоҳмотини жаҳонга танитса, ажаб эмас. Бундай кунларга оз қолди.

СУРАТЛАРДА: республика шоҳмот-шашка клуби очиқ чемпионати мусобақаларидан лавҳалар.

Матн ва суратлар муаллифи Муҳаммад АМИН.

Қарши туманидаги "Ковчин" уруғчилик жамоа хўжалиги Қашқадарё вилоятидаги кўпгина хўжаликларни уруғ билан таъминлайди. Пахтакорлар келгуси йил ҳосили учун "Юлдуз" навли юқори ҳосилли пахта уруғини етиштирадилар. Хўжаликда ғўзани парваришлаш ва ўз вақтида суғориш ишлари яхши йўлга қўйилган. Шу сабабдан бўлса керак бу ерда одатдагидан бир ярим ой илгари чеканка челпиш тугатилди.

Ш. ШАРОПОВ сурати

КИМНИНГ МАҲАЛЛАСИ ЯХШИ?

Ресторан ёпилиши шундай шиор остида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги олдидан унга якун ясалди.

Танловда мингга яқин маҳалла қўмиталари қатнашди. Улар ишига баҳо беришда ҳожатманд кишиларни ижтимоий муҳофаза қилиш, милли одатлар ва анъаналарни мустаҳкамлаш асосий мезон бўлди. Қўмита ўз ҳудудини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришда қай даражада фаол иштирок этаётгани ҳам анча муҳим омил саналди. 54та маҳалла қўмитаси вилоятда энг яхши деб тан олинди. Кўрик-танлов ғолибларига пул мукофотлари берилди. Бу маблағлар шу йўналишлардаги ишларни янада кучайтиришга сарфланади.

Бундай кўрикларни ўтказиш вилоятда анъанага айланиб қолди. Бугун республика "Маҳалла" хайрия жамғармасининг вилоят бўлими навбатдаги тадбирни ўтказишга тайёргарлик кўраяпти. Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллик байрами арафасида маҳаллалардаги камхарж, боқувчисидан айрилган оилалардаги мингга яқин киши жамғарма совғаларини олади.

(ЎзА мухбири)

Йўловчини ким ўйлайди?

2. ВОКЗАЛНИНГ ЭГАСИ БОРМИ?

1994 йил 14 август Зирабулоқ бекати кеч соат 22.00.

Сарлавҳани ўқибоқ, "шунга ҳам ақлинг етмайдими?" деб танбеҳ беришга шошилманг. Биз ҳам вокзалнинг эгаси ёки хўжайини унинг бошлиғи бўлишини яхши биламиз. Фақат...

Келинг, яхшиси сизга тушунарли бўлиши учун гапнинг индоллосидан бошлайлик. Яқинда хизмат сафаридан қайтишда Самарқанд вилояти Нарпай тумани Оқтош шаҳридаги Зирабулоқ бекатида бўлдик. Эътиборимизни тортган илк воқеа — шундай кутиш залига кираверишда бемалол жойлашиб олиб, айрон ва сув сотаётганлар бўлди.

— Айрон неча пулдан? — сўрадик, сотувчи кампирдан.

— Стакани 50 тийин.

— Сув-чи?

—25 тийиндан. Муздаккина. Ичсаларинг, танларинг ҳузур қилади, — ширинсуханлик билан жавоб берди иккинчи кампир ҳам. У узатган стаканни ола туриб, сўрадим:

— Момо, бу сувни қаердан олиб келгансиз?

— Қаердан бўларди,

крандан, албатта.

—15 тийиндан бўлмайдими?

— Йўқ! — У қўлимдаги стаканни чаққонлик билан тортиб олди.

— Ҳай, ана 20 тийиндан ичайлик.

Кампир менга еб қўйгудек тикилар экан, "Пулинг бўлса ич. Бўлмаса қоч. Нега савдони бузасан" деб ғудранди. Унинг ширин-суханлиги-ю, чеҳрасидаги мулойимликдан асар ҳам қолмади. Атрофда кузатиб турганлардан, кимдир менга танбеҳ берган бўлди. Гўё, мен ўзимдан ёши катта кишини хафа қилаётган эмишман. Бу киши қари бўлсаям уйидан сув кўтариб чиқиб, йўловчиларнинг ҳожатини чиқараётган эмиш. Бу ҳам савоб бўларкан...

Хуллас, ҳар иккала сотувчининг амалини четдан кузатишимга тўғри келди. Кеч бўлишига қарамасдан, ҳали кундузги иссиқнинг тафти қайтмаган. Чанқовбосди қилишни истовчилар кўп. "Савобталаб" сотувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бир ярим литрлик елим идишни сувга тўлдириб бериш — 2 сўм 50 тийин. Камайтириш, савдолашишнинг ҳеч иложи йўқ. Олсанг шу, олмасанг катта кўча. Ярим соатлик кузатувдан шундай хулосага келдимки, крандан оқиб ётган оби-раҳматни бу ерга олиб келсангиз, кўп эмас, бор йўғи икки соатда ўртача 50-80 сўм ишлаб олишингиз мумкин экан. Шунча пул топиш учун бир деҳқон яқин бир ой офтобнинг тиғида кетмон чопиши керак. Бу ерда эса оппа-осон. Кечки салқинда, икки соатгина турсангиз, бас. Фақат бирор киши сўраб қолганда бу ишни пул эмас, савоб учун қилаётганингизни айтиб қўйсангиз кифоя. Сиздан яхши одам йўқ.

Наҳотки, бу ерда ҳеч ким билан ҳеч кимнинг иши йўқ бўлса, деган хаёлда вокзал навбатчиси билан учрашдик. Аввалига саволларимиздан энсаси қотгандек бўлди. "Ҳа, нима бўлибди. Улар иккаласи ҳам нафақачи кампирлар. Ҳозир бозор иқтисоди бўлса,кун ўтказиш қийин. Рўзғорларига уч-тўрт сўм топишади-да. Қолаверса, мен сўраганман, уларга солиқ инспекцияси ҳам рухсат берган экан, шекилли". Вокзал навбатчиси, яъни 1994 йилнинг 14 августи кечки соат 22.00 да Зирабулоқ бекатига раҳбар бўлиб турган Мамарайим Қаршиевнинг фикри шундай. Сўзма-сўз бўлмасада, шунга яқинроқ гапларни эшитдик, у кишининг оғзидан.

— Қолаверса, олди-соттичилар билан мен эмас, солиқ инспекцияси шуғулланади. Ўшалар билан учрашинг. — Бу ҳам вокзал навбатчисининг фикри.

Афсуски, "ўшалар" яъни солиқ инспекциясидагилар билан кечки соат 22.00 да учрашишимизнинг ҳеч қандай иложи йўқ эди. М. Қаршиев "бу менинг айбим эмас", деганида балки ҳақ чиқар. Лекин, барибир — хоҳ кечаси бўлсин, хоҳ кундузи — ҳар қандай идоранинг, ташкилотнинг эгаси — яъни масъул одами бўлади-қу. Бизнинг назаримизда, М. Қаршиев ўша кечаси вокзалда юз бераётган барча воқеа-ҳодисаларга мутасадди бўлган жавобгар шахс бўлиши керак эди...

Яна бир фикр. Зирабулоқ бекатида аввалари ҳам кўп бўлганман. Ва бир ерда бир эмас, бир неча сув кранлари борлигини ҳам кўрганман. Нега уларда сув йўқ? Ё савобталаблар ўзларига кўпроқ "савоб" ишлаб олиш мақсадида сувни тўхтатиб қўйишганмикин?

— Йўқ, — дейди М. Қаршиев. — Атайлаб ёпиб қўйилмаган. Ҳақиқатан ҳам бекат ёнида бир неча ичимлик суви кранлари бор. Афсуски, улардан фақат қишда сув келади. Ёзда эса, сув бекатгача етиб келмайди. Бу ҳақда ёзмаган жойимиз, ёрдам сўрамаган ташкилотимиз қолмади, ҳисоб. Ҳеч фойдаси бўлмаяпти. Мана, яқинда янги сув минораси ишга тушиш арафасида. Ўшандан кейин бу муаммодан ҳам қутулиб қолармиз...

Қизиқ, Зирабулоқ бекатидаги аҳволдан наҳотки Оқтош шаҳар ҳокимлиги ёки бошқа мутасадди ташкилотлар бехабар бўлишса? Балки хабарлари бўлса ҳам, бошқа ташвишлари кўплиги боис "майда-чуйда" муаммоларни ечиш учун вақт тополмаётгандирлар. Лекин шаҳар мутасаддилари Зирабулоқ бекати шаҳарга келиб-кетувчи меҳмонлар назарида "шаҳар дарвозаси" саналишини ва меҳмонлар ана шу дарвозадаги аҳволга қараб, шаҳарга баҳо беришларини унутмасликлари керак деб ўйлайман.

Яна вокзалга қайтсак. Ўша куни поездларга патталарни паттачи Собит Суярқулов сотаётган экан. Юзга яқин одам 61-"Бухоро-Тошкент" поездига патта олиш илинжида. Кассада эса бор-йўғи ўнтадан ортиқроқ патта сотилди. Шу билан тамом-вассалом. Паттага етолмай қолганлар энди хоҳласа поездга осилиб, хоҳласа... кетаверади.

С. Суярқуловнинг сўзларига қараганда, патталар асосан олдиндан сотиларкан. Поезд жўнаши олдидан эса нечта жой беришса, ўша сотилади...

Лекин сал олдинроқ С. Суярқуловга ўхшаш бир йигит кимгадир ичкаридан патта олиб чиқиб берганлигига кўзим тушган эди. Шуни сўрадим. Ҳар ҳолда, паттачи виждонсиз эмас экан. Тўғрисини айтди. "Укамнинг қайниси Тошкентга кетаётган экан. Шунга битта илтимос қилувди..."

Хафа бўлган жойимиз шу бўлдики, вокзал навбатчиси ҳам, паттачи ҳам "ўзи қаерга борасизлар? Нечта жой керак?" деб сўрашди. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, гўё биз патта олиш мақсадида вақтимизни улар билан суҳбатлашишга сарфлаган эканмиз-да. Кимга қандай, билмадим-у, бу мен учун ҳақоратдек туюлди. Патта ҳақиқатда керак бўлса-да, олмадик...

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Мен битта патта учун кўрган ҳақиқатимни ёзмасам, яна кимдир, нима учундир ҳақиқатни яширса, бу бир бутун ҳақсизликлар занжирини ҳосил қилади. Менинг назаримда эса бугунги кун биздан ҳалоллик ва фақат ҳалолликни талаб қилаётир. Буни унутишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

61-"Бухоро-Тошкент" поезди ҳақида эса кейинги гал ёзамиз...

Ислом ҲАМРО,
"Туркистон" махсус мухбири.

Қанотли хабарлар

ШИРИНЛИК МЎЛ БЎЛАДИ

Германиянинг "Цесма" фирмаси билан ҳамкорликда Янгийўл шаҳрида қанд заводи қурилади.

Кейинги йилларда қанд-шакар бизда "дефицит"лар қаторига қўшилди. Аҳолини эҳтиёжига яраша қанд билан таъминлаш иқтисодимизнинг муҳим муаммоларидан биридир.

Ҳозирги кунда қанд-лавлаги экиш ва етиштириш учун илк экин майдонлари ажратилиб, кичик қанд заводлари қурилмоқда. Хориждан келтирилган, қанд-лавлагидан кўра 300 марта тотлироқ стева ўсимлиги устида синов ишлари олиб борилмоқда. Стевадан ширин ичимликлар тайёрлаш учун тавсиялар берилган.

Шу мақсадда Германиянинг "Цесма" фирмаси ва "Ўзозиқовқатсаноат" бирлашмаси ўртасида тузилган шартнома алоҳида аҳамият касб этади. Негаки, Янгийўлда қурилиши режалаштирилаётган завод томонидан ўзбекистонликларнинг катта қисмига қанд-шакар етказиб берилади. Бунга шубҳа йўқ.

Шартнома миқдори — 15 миллион АҚШ доллари. Айни вақтда дастгоҳлар қурилиш ишлари учун 100 минг доллар ажратилган.

ФИДОИЙЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Қобилжон ОБИДОВ,
Андижон вилояти ҳокими.

ХАЛҚИМИЗ ҲАМИША ёшлар ғайрати ва кексалар тажрибасига суяниб улуғ ишларга қўл урган. Ёшлар шижоати ҳар қандай юксак довонларни ҳам забт этишга қодир қудрат. Фақат биз уларга тўғри йўл кўрсатиб, эзгу мақсадлари ва ташаббусларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаб, зарур мадад бериб туришимиз керак.

Яқиндагина бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи XXVI қурултойи ҳам мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида ёшларимизнинг асосий вазифаларини белгилаб берди. Ўзбекистонимизнинг келажаги буюк давлат бўлиши муқаррарлигини таъминловчи бозор иқтисодиётига ўтишнинг Ватанимизга хос иқтисодий ислоҳотларнинг беш тамойили вилоятимизда изчиллик билан амалга оширилаётир.

Миллий мустақиллик бизга кўп қиррали иқтисодиётни барқарорлаштириш орқали мулкнинг ҳақиқий эгасини топиш йўлини очиб берди. Сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан эса демократик асноларда барча фуқароларнинг тенгликларини қонунлар асосида кафолатлади, маънавий томонидан инсоний фазилатларимизни, миллий қадриятларимизни тиклаб, аждодларимизнинг руҳий поклигини абадийлаштирди.

Натижа шу бўлдики, бугунги кунда вилоятимиз халқ хўжалигининг барча тармоқларида иш ўз меъёрида олиб борилмоқда. Саноатда ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат унумдорлиги ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш аввалги йилларга нисбатан анча кўпайди. Уй-жой, мактаб, боғча ва шифохоналарни қуриш бўйича ҳам режалар уддаланди. Баҳорги ишлар ҳам ўз вақтида бажарилди ва чигит экишни республикамизда биринчи бўлиб якунладик. Албатта, бу муваффақиятларимизда ёшларимизнинг ғайрат ва ҳимматлари беқиёсдир.

Маълумки, иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлиги ишбилармонликка, чаққонлик, эпчиллик ва умуман тадбиркорликка боғлиқдир. Шу муносабат билан андижонлик ёшларнинг ташаббусини республика Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси маъқуллаб, вилоятимизда республика миқёсида "Тадбиркор-94" семинар-кенгашининг ўтиши ҳам муҳим воқеа бўлди. Бу тадбир вилоятимизда тадбиркор ва зукко ёшлар ниҳоятда кўп эканлигини исботлади. Бизда тадбиркорлик энг аввало моддий неъматлар ишлаб чиқарувчи соҳаларда олиб борилмоқда. Унумсиз ишбилармонлик билан шуғулланиш эса одамни чалғитади ва унинг бир кунмас бир кун синиши ҳам муқаррардир. Шунинг учун ҳам мен нафақат вилоятимизда, балки республикамизда ҳам иқтисодий ислоҳотлар моддий бойликлар ишлаб чиқарувчи унумли соҳаларда олиб борилишини истардим.

Бизнинг шароитимизда хом ашёларни қайта ишлаш, қўшимча ишчи ўринларини жорий этиш, саноатни қишлоқ жойларига кўчириш ниҳоятда муҳимдир. Бу вазифаларни бажаришда чет эл сармоядорларини жалб этиш йўли билан вилоятимизда 18 та қўшма корхона ташкил этилди. Шунингдек, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган 9 та йирик қўшма корхонани қисқа муддатлар ичида ишга туширишни мўлжаллаб турибмиз.

Инсоннинг инсонлиги унинг қай даражада зиёли, маърифатли ва маданиятли эканлиги билан белгиланади. Президентимизнинг ташаббуси билан амалга оширилаётган таълим ва маориф тизимидаги ислоҳотлар, миллий дастурларнинг жорий қилиниши, иқтидорли ёшларни ўқитиш, ҳаттоки уларни хорижий мамлакатларга юбориш каби улуғ ишлар Андижонда ҳам изчиллик билан амалга ошмоқда.

Элимизда тинчлик, осойишталик, миллатлар ўртасидаги хайрли муносабатлар ва ижтимоий ҳимоялаш сиёсати туфайли фуқаролар, жумладан, ёшлар онгида янгича тафаккур шаклланиб борар экан, миллий истиқлолимизнинг моддий ва маънавий кучга айланиши муқаррардир.

Юртимизнинг тинчлиги, халқимизнинг аҳил бўлишида ёшлар ўртасидаги жиноятчиликка қарши курашни тинимсиз ва кескин таъминлаб турмоқ ҳам муҳим аҳамият касб этади деб ҳисоблайман. Бунда маълум натижаларга эришган бўлсакда, ҳали қилиниши зарур бўлган ишларимиз жуда кўп. Шуларни назарда тутиб, қолаверса, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонуннинг бажарилишини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг махсус қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатда вилоят ёшларининг барча ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳар қандай муаммоларнинг мақсадга мувофиқ ечимини топишда керакли чора-тадбирларни белгилаш йўллари кўрсатилган. Асосий мақсадимиз эса йигит-қизларимизни иқтисодий масалаларни дадил ечишга рағбатлантириш ва донишманд халқимизнинг асрий анъаналарини эъзозлаш, Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат, ота-оналарни ҳурмат қилиш ва оилага масъулият руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Бу мақсадларимизни амалга ошириш учун қуйидагиларни ҳисобга олиш жуда зарурдир:

биринчидан, Ёшлар Иттифоқи қўмитаси тизимида ва умуман, ёшлар фаолиятида замона талаблари даражасидаги интизомнинг бўлишига эришиш даркор;

иккинчидан, маърифат, фан-техника, касб-ҳунар асосларини изчил ва қунт билан эгаллашда меҳнатдан қочмаслик, иродали бўлмоқ зарур;

учинчидан, Ватанимиз, халқимизнинг тинчлиги, осойишталиги миллатнинг ўзаро ҳамкорлигини кўзқорачиғидек асраб, миллий мустақиллик йўлида фидойилик кўрсатмоқ дарвимизнинг энг асосий талабидир.

Хулоса шуки, мамлакатимизда қилинажак барча ижобий ишлар ва муҳим ўзгаришларни сиз, ёшларнинг иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зотан, буюк мақсадлар билан яшаган халқнинг йўли ҳам, юзи ҳам ёруғ бўлади.

Мустақилликнинг ўз йўлига олдидан

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

Ислом КАРИМОВ

“ЎЗ ЙЎЛИМИЗ БОР!“

ДАВР БАРЧА жамоат ташкилотлари олдига бартараф этилиши долзарб бўлган беҳисоб муаммоларни қўймоқда. Жумладан, республика Ёшлар Иттифоқи ташкилотлари ҳам бундан мустасно эмас. Ёшларнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги ўрни, улар онгида миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналарни шакллантириш ва келажакка ишонч уйғотиш борасида қилинадиган ишлар талайгина. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Андижон вилояти қўмитасининг биринчи котиби Нозимжон АШУРОВ билан қилган суҳбатимиз мавзуси ҳам асосан шу ҳақда борди.

— Нозимжон, сиз нима деб ўйлайсиз, Ёшлар Иттифоқи ташкилоти собиқ ЛКСМнинг изидан бормаяптимикин?.. У янгидан ташкил топган бўлса ҳам, аммо қурултой рақами эскича давом этаяпти-ку. Бу мустақиллик руҳида яшашга эндигина ўрганиб келаётган ёшларда шубҳа уйғотмайдими?

— Навбатдан ташқари XXVI қурултойда таъкидланганидек, Ёшлар Иттифоқи ташкилоти собиқ ЛКСМнинг вориси сифатида иш бошлаган эди. Ворис деган сўзни тўғри тушуниш керак, бу яна ўша эски мафкура бўйича иш олиб бориш, дегани эмас. Биз собиқ ЛКСМнинг барча анжомлари, биноларигагина ворис бўлдик. Ҳаргиз мафкурасига эмас. Меросхўрлик сўзи кўпчиликда шубҳа уйғотиши табиий. Лекин Ёшлар Иттифоқи ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган XXVI қурултойида кўрилган долзарб масалалар, унинг қабул қилган ҳужжатлари айрим ёшлардаги бундай шубҳаларни тарқатиб юборади, деб ўйлайман.

Андижондан вакил бўлиб борган 33 нафар ёшнинг, қолаверса, барча вакилларнинг дилида "қурултой бизга нима беради?"- деган савол ҳукмрон эди. Қурултойда ҳақиқатан ҳам ёшлар ташкилоти мавжудлиги тан олинди. Шунингдек, Президентнинг, ҳукуматнинг ёшларга эътибори ҳам руҳимизни кўтариб юборди.

Мен қурултойдан кейин Ёшлар Иттифоқи ташкилоти собиқ ЛКСМнинг изидан бормаяпти, унинг ўз йўли, мафкураси бор, деб баралла айта оламан.

— Кейинги йилларда ёшларнинг нималар билан шуғулланаётганига эътибор камайиб қолди, чоғи. Бу борада ёшлар ташкилоти ўз вазифасини кўнгилдагидек бажара оляптими? Сизнингча, қандай?

— Жуда ўринли савол бўлди. Ўтган икки-уч йил ичида оламшумул воқеалар содир бўлди. Республиканинг мустақиллиги эълон қилинган куниёқ Президентимиз ёшларга нисбатан ҳам ўз муносабатини билдирган эди. Лекин атрофдаги воқеалар таъсирида бўлса керак, жойлардаги ташкилотларимизда масъулият бироз унутилгандек бўлди. Шу билан бирга биз ўзимизнинг жамоат ташкилоти вакиллари эканимизни ҳам унутаёздик. Молиявий қийинчиликлар сабабли ўзимизни маблағ билан таъминлашга берилиб кетиш оқибатида биринчи вазифамиз бўлмиш ёшлар тарбияси ҳам четда қолиб кетди.

Энди йўлимиз, қиладиган ишимиз аниқ. Менимча, қурултойдан кейин барча жўшқин шижоат билан ишга киришди. Қиладиган иш эса жуда кўп. Миллий истиқлол мафкурасини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, ёшлар билан ишлашни такомиллаштириш, уларни ижтимоий муҳофаза қилишни яхшилаш керак.

Биз ёшлар ва ўсмирлар билан ишлашни яхшилаш мақсадида маҳаллаларда бошланғич ташкилотлар тузишни йўлга қўймоқчимиз. Ҳозирча синов тариқасида бошланғич ташкилотлар тузиладиган маҳаллалар аниқланди. Фикр қилиб кўрилса, ёшларнинг кўп вақтлари ишхонадан ҳам кўра маҳаллада, ўз уйида кечади. Тўғриси, ташкилотлар ва корхоналардаги бошланғич қўмиталар уларнинг уйи, маҳалласидаги муаммолардан хабардор эмас. Бунинг учун имконият ҳам йўқ.

— Ўзбекистон Президенти иқтидорли ёшларни маънавий рағбатлантиришни яхшилаш, уларга турли имтиёзлар бериш тўғрисида бир неча фармонларни чиқарди. Уларнинг ижроси вилоятда қандай бормоқда?

— Президентимизнинг биз ёшларга муносабати барчага маълум. Бу, фармонлар ва қарорларда ҳам ўз аксини топмоқда. Шундай фармонлар асосида вилоятда яшаб ижод қилаётган, билим олаётган ёшларни маънавий рағбатлантиришни яхшилаш мақсадидаги ишлар яхши йўлга қўйилмоқда. Вилоятда ёшлар иқтидорини ошириш ва уларга ижод қилиш ҳамда билим олишда ёрдам бериши мўлжалланган "Улуғбек", "Истеъдод" жамғармалари ташкил қилинди. Шунингдек, уларни турли оғирликлардан фориғ этувчи бошқа имтиёзлар ҳам берилмоқда.

Президентимизнинг ижодкор ёшларни уй-жой билан таъминлаш тўғрисидаги фармони иқтидор соҳибларини руҳлантириб юборганлиги шубҳасиздир. Бу фармонни амалга ошириш бўйича ишлар якунига етмоқда. Яқин кунлар ичида 30 нафар ёш турар жой билан таъминланади. Бу, уларни мустақил Ўзбекистоннинг равнақи, фаровон келажаги йўлида ташаббус кўрсатиб, изланиб меҳнат қилишга ундаши табиийдир.

—Маълумки, республиканинг миллий истиқлол мафкурасида ёшлар маънавиятини ўстириш, улар онгида мумтоз ва ҳозирги замон миллий инсоний қадриятларни шакллантириш энг аввалги масала сифатида талқин этилган. Вилоятда бу долзарб масалага қандай эътибор берилмоқда?

— Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилиш борасида вилоят ташкилотлари алоҳида дастурлар ишлаб чиқишмоқда. Ёшлар ташкилотининг ўз дастуридан келиб чиқадиган бўлсак, унинг тарғиботини мактаблар ва бошқа ўқув юртлари, ишлаб чиқариш корхоналаридан ташқари, маҳаллаларда ҳам олиб бориш керак. Шунчаки ташвиқот қилиш билан чекланмай, олдимизга қўйилган мақсадга эришиш учун маълум маҳаллани ҳар томонлама ўрганиб чиқиш, ўша жойда яшаб ўтган улуғ кишилар, Ватанга меҳнати синган фахрийлар ҳаёти ва фаолиятини кенг тарғиб қилишни ҳам йўлга қўйяпмиз. Мақсадимиз — ёшлар уларни билсин, уларнинг ҳаётидан ўрнак олишсин! Ахир, Ватан остонадан бошланади, деган гап бор-ку. Ўсмирлар, эндигина мустақил ҳаёт бўсағасига қадам қўяётган ёшлар мумтоз меросга, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулҳамид Чўлпон ва мамлакатимизда яшаб ўтган бошқа алломаи замонлар ижодига ҳурмат, меҳру муҳаббат билан ёндашишига эришишга ҳаракат қилаяпмиз. Бугун қилаётган ишларимизнинг самараси келажак ҳаётимизнинг фаровон бўлишига ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

— Сизнингча, ҳозирги замон ёшлар етакчиси қандай бўлмоғи керак?

— Ҳозирги ёшларга раҳбарлик қилиш ва уларни эртанги куннинг умидида руҳлантириб бориш ҳар бир кишидан катта масъулият талаб этади. Ўша масъулиятни елкага олиш учун эса қуйидагиларни билиш ва уддалаш, албатта, зарурдир.

Энг аввало, ҳукуматнинг олиб бораётган сиёсатини тўғри англай олиш ва уни бошқаларга тушунтира билиш муҳимдир. Шунингдек, етакчи ҳар бир ёшнинг лоақал 60-70 фоиз фикрини уқий олиши лозим. Ахир, бусиз улар билан ишлаш қийин-да. Ишлаб чиқаришдан хабардорлик, иқтисодий билимга эга бўлиш ҳамда тадбиркорлик ҳам ишни яхшилашга кўмак беради. Қолаверса, у ёшлар билан тил топиша олсин.

Бу, албатта, менинг ўз фикрим. Ҳар ҳолда ёшларга етакчилик қилиш қийин бўлган шу дамларда ёшлар ташкилотида ишлаётган ҳар бир ходимнинг фикру зикри мустақил Ўзбекистоннинг ҳақиқатан ҳам буюк давлат бўлишига ҳисса қўшишга, бу борадаги ташаббусларни умумлаштиришга қаратилмоғи муҳимдир.

Суҳбатдош Нажмиддин ИКРОМИЙ.

Ҳозирги ёшлар

АНДИЖОН

Андижон шаҳар болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази қошида фаолият кўрсатаётган "Истиқбол" рақс дастаси вилоят, республика миқёсларида ўтадиган кўрик-танловларда ғолиблик учун куч синашиб келишмоқда.

Дастага бадиий раҳбарлик қилаётган Гулчеҳра Исмоилова раққоса қизларга санъатнинг нозик сирларини ўргатишда қўлидан келадиган хизматларини аямаяпти.

Р. АЛЬБЕКОВ сурати

ОЛТИНКЎЛДА ШУНДАЙ ДАРГОҲ БОР

Андижон вилоятининг Олтинкўл ноҳиясида жойлашган Убайдулла Тўйчиев номидаги 21-ўрта мактаб ўқитувчилар ва ўқувчилари жамоаси учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё. Йўқ нарсанинг ўзи йўқ улар учун. Мисол учун: 844 ўқувчига мўлжалланган мактабда 22 ихтисослашган фан кабинети, 12 алоҳида жиҳозланган хона, турли туман тўгараклар бор. Ва улар номига, қоғоздагина эмас, амалда ҳам ишлаб турибди. 68 кишилик ўқитувчилар жамоасидан 46 киши олий маълумотли. Булардан ташқари, мактабга қарашли бўлган 1,2 гектар жойга 20 минг туп мевали дарахт кўчати экилиб, парвариш қилинмоқда. Мактабнинг молиявий аҳволини яхшилаш учун бу ҳам бир ишбилармонлик-да. Ахир ўнлаб мактабларимизда шундай ерлар бор ва улар фойдаланилмасдан ётибди-ку. Доно халқимизнинг "Излаган имконият топади", деган ибратли сўзлари ҳам ҳаводан олинмаган.

— Мактабнинг янги биноси ишга тушиши, ҳар томонлама ҳавас қилгулик даргоҳга айланиши, унинг боғроғларини обод бўлишида мактаб собиқ директори, бугунда ноҳия халқ маорифи бўлими методик кабинети мудири Фозилжон Ҳайитовнинг хизмати катта — дейди мактаб директори Шоҳобиддин Меҳмонов биз билан суҳбатда. Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал дейишади. Марҳамат қилинг!

Аъзамжон МИРЗАЖОН.

Соғлом авлод учун

ҲАЁТГА МУҲАББАТ

ЁКИ АНДИЖОН ВИЛОЯТ ХЎЖАОБОД ШАҲРИДАГИ 17-КАР-СОҚОВ БОЛАЛАР МАКТАБ-ИНТЕРНАТИНИНГ МЕҲНАТ ЎҚИТУВЧИСИ МАТЛУБА ФОЗИЛОВА БИЛАН ИККИ ОҒИЗ ДИЛДАН СУҲБАТ

ТАБИАТ кўп нарсага қодир. У инсонни баъзан тасодифлар туфайли, баъзан яна қандайдир бошқа сабаблар оқибатида кўп имкониятларидан — кўриш, эшитиш, сўзлашиш, ҳаракат қилиш саодатларидан бенасиб қилиб қўйиши мумкин.

Аслида одамзод ҳам табиатнинг бир неъмати. Лекин унинг юрагидаги ҳаётга муҳаббат ва ташналик, яшаш иштиёқи ва эҳтиёжи шунчалар қудратлики, бунинг олдида табиатнинг дағдағалари-ю турмушнинг қалтис ҳазиллари ҳам ожиз бўлиб қолади.

Ҳар гал Хўжаободдаги 17-кар-соқов болалар мактаб-интернати томонга йўлим тушганда бу даргоҳ ёнидан ҳаяжонсиз ўтиб кетолмайман. Бир лаҳза тўхтаб, мактаб ҳовлисини кузатаман. Ундан ўғил-қизларнинг қувноқ ҳазиллари, бурро-бурро гаплари, танаффус ёки дарсга чорловчи қўнғироқ овозлари ҳам эшитилмайди. Бу ерда тарбияланувчилар, қувончу ташвишларини, ҳаяжон ва изтиробларини имо-ишоралар орқали бир-бирларига баён этишади. Кўнглим чўкишга мойил бўлиб турган бир пайтда бир-бирларидан дуркун ўғил-қизларимизнинг кулиб турган нигоҳлари, чаққон ва сергак ҳаракатларига кўзим тушади-ю, бир қадар юксалиб кетгандек бўламан. Қалбимда бу болакайлар билан диллашиш истаги туғилади. Уларнинг тилини — имо-ишораларини тушунмаслигимдан афсусланаман.

Охири, шу мактаб тарбияланувчиларининг севимли муаллимаси, 16 йилдан буён соқов қизларга тикиш-бичишдан, пазандачиликдан сабоқ бериб келаётган меҳнат таълими ўқитувчиси Матлуба опа ФОЗИЛОВА билан суҳбатлашишга қарор қилдим.

— Матлуба опа, кар-соқовлар тилини ўзлаштиришингиз, уларнинг руҳиятидаги нозик жиҳатларни ўрганиб олишингиз анча қийин бўлгандир-а? Ахир сиз Андижон Давлат педагогика институтининг тарих куллиётини тамомлагансиз-ку....

— Одатда, табиатан нимжон бўлиб туғилган болалар бошқа ўртоқларига нисбатан бир мунча инжиқ ва асабийроқ бўладилар. Шунинг учун ҳам улар билан ишлаш бироз мушкулроқ, албатта. Мен дастлабки йилларда бу мактабда тарбиячи бўлиб ишлаганман. Кейин меҳнатдан дарс берувчи опанинг нафақага чиқиб кетиши муносабати билан менинг тикувчилигимдан хабар топган ўша пайтдаги директоримиз Зуннунхўжа ака Карамхўжаев шу фандан дарс беришга таклиф қилган. Ўша пайтда мен домлага соқовлар тилини яхши билмаслигимни айтганимда у киши: "Одам қилганни одам қилади. Сиз бошқалардан ўрганишга қийналсангиз болаларнинг ўзларидан имо-ишораларни ўрганинг!", деб маслаҳат берганди. Шундай қилиб, 3-4 ой ичида болаларнинг ўзлари менга бинойидек ўз тилларида гаплашишни ўргатиб қўйишган.

— Хўжаободда сизни муаллимлигингиз учун эмас, чеварлигингиз туфайли кўпчилик танийди. Тикувчиларнинг эса ҳар қандай шароитда бировга зориқиб қолмасликларини мен ҳам жуда яхши биламан. Агар сизга ҳозир шу икки касбдан бирини танлашга тўғри келиб қолса, қайси бирини танлаган бўлардингиз?

— Жуда қийин савол бердингиз. Ростдан ҳам астойдил ўтириб тиксам, бир ойлик маошимни 3-4 кун ичида топиб қўйишим мумкин. Лекин мен барибир ўқитувчиликни ташлаб кетолмасам керак. Кўнгил-да! Соқов болаларга меҳрим тушиб қолган. Мен оддий мактабга ўтиб ишлашимни ҳам тасаввур қилолмайман. Биласизми, бу қизлар билан мулоқотда бўлганимда уларнинг тилсизлигини, гапиролмасликларини, эшитолмасликларини бутунлай унутиб қўяман.

— Шу мактаб-интернат, ҳамкасбларингиз ҳақида нима дея оласиз? Улардан, бу ердаги шароитлардан кўнглингиз тўладими?

— Кар-соқовлар ҳеч қачон қаровсиз ёки назоратсиз қолмаганлар, уларни ҳамиша давлат таъминлаб келган. Таъна қилиб айтмоқчи эмасман-у, лекин оддий ўқувчиларга қараганда табиатан заиф болалар билан ишлаш анча оғир. Баъзан ниҳоятда мураккаб вазиятларга тушиб қолишга ҳам тўғри келади. Лекин маошимизнинг ўрта мактаб ўқитувчиларининг ойлигидан ҳеч қандай фарқи йўқ. Илгарилари 25 фоизлик қўшимчамиз бор эди. Негадир кейинги йилларда шу имтиёз тўхтатиб қўйилди. Демоқчиманки, яхши-яхши методист ўқитувчиларимиз моддий етишмовчиликлар туфайли интернатимиздан кетишга мажбур бўлиб қолмоқдалар. Мутахассис ёшларнинг келаётгани яхши. Лекин улар келибоқ муваффақиятли иш юритиб кетолмайдилар. Бунинг учун вақт ва тажриба керак бўлади.

Ҳамкасбларимиз ҳақида гапирадиган бўлсам, Мақсуда Мамасолиева, Садбархон Исмоилова, Манзура Умарова, Хожира опа Назарова каби дилтортар, куюнчак ўқитувчиларимизни ҳар қанча мақташ, улар билан фахрланиш мумкин, деб ўйлайман.

— Матлуба опа, сиз зиёли одам деганда қандай кишини тасаввур қиласиз?

— Мен зиёли одамнинг ички қиёфаси, маънавияти ҳам юзидан билиниб туриши керак, деб ўйлайман. Илгаригилар: "Юзидан нур ёғилиб тураркан" ёки "Фариштали одам" деган ибораларни қўллашганда ҳақиқий зиёли кишини назарда тутишган бўлсалар керак. Ундан кейин зиёлилар ўзаро ҳам бир-бирларидан фарқланиб туришлари лозим. Масалан, ўқитувчилар сипороқ бўлишлари керак. Уларнинг кийинишидан тортиб, гапириши, қадам босишларигача болаларимизга ибрат бўлсин. Шунинг учун улар ҳар хил ялтир-юлтурларга ружу қўйишдан, сочларини ҳурпайтиб юришлардан, дуч келган жойда енгил-елпи ҳазил-ҳузуллардан ўзларини тийиб яшасалар яхши бўларди. Врачлар кўчада ясаниб юришса бўлади. Чунки, беъморлар шифокорларнинг кийимидан андоза олмайдилар. Қолаверса, тиббиёт ходимлари иш жойларида махсус кийимда юрадилар. Лекин бу соҳа кишиларининг муомаласи ниҳоятда майин, тили жуда ширали бўлиши керак деб ўйлайман. Ундан кейин ўзини қанчалик хушфеъл ва маданиятли қилиб кўрсатмасин, китоб, газета-журнал ўқимайдиган, санъатдан, адабиётдан олис яшовчи одамни мен зиёли деёлмайман.

— Аёл киши учун қайси фазилатлар жуда муҳим деб ўйлайсиз?

— Энг аввало, тадбиркор, тежамкор бўлсин. Чаққон ва эпчил аёл ҳамма нарсага улгуради. Аёл киши озгина бўшашдими, ҳамма нарса ўз-ўзидан издан чиқиб кет веради. Агар эркак киши миллион-миллион топиб келса ҳам, аёл уни ўз ўрнида сарфлай билмаса, рўзғорда ҳеч қачон барака бўлмайди. Ҳозирги замонда эркакча шаддотлик ҳам керак аёлларимизга.

— Тушкунликка тушган пайтларингиз ҳам бўладими?

— Кўп бўлади. Лекин мен буни бировга билдирмасликка ҳаракат қиламан. Ёлғиз қолиб яхши кўрган китобларим — "Юлдузли тунлар" ва "Чолиқуши"ни қайта-қайта ўқийман. Бобурнинг ғамларига шерик бўламан...

— Фариданикига ҳамми?

— Йўқ, Фарида ғамларига бировни шерик қилмайди. Унга ҳавасим келади, холос!

— Матлуба опа, сўнгги саволим — энг суйган машғулотингиз...

— Уй йиғиштирсам, ойна артсам кўнгим равшанлашади. Қанийди, ер юзининг ҳамма жойи тоза бўлса! Тоза жойда яшаган кишиларнинг таъби ҳам, кўнгли ҳам бир бошқача — тоза бўлади-да. Шундай эмасми?

***

Матлуба опа билан суҳбатлашиб, мен ҳам яйрадим ва англадимки, унинг сеҳрли қўллари, ширин табассуми, соғлом фикр ва ҳаракатларига ҳавас қилмасликнинг иложи йўқ. Матлуба опа оиладаги ўн фарзанднинг тўнғичи, ота-онасининг суянган тоғи ва ишонган боғи ҳамдир. 9 нафар ука-сингилга йўл кўрсатиб опалик қилишнинг ўзи бўлмайди, албатта! Хуршид ва Нозимахонларнинг меҳрибон онаси тимсолида мен куюнчак устоз, моҳир чевар, садоқатли ёр ва умуман, бир инсон жисми ва руҳидаги жамики имкониятларни ўзида намоён этолган мукаммал бир Аёл қиёфасини кўргандек бўлдим.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,

ҚАДРИЯТЛАРНИ УНУТМАЙЛИК

Инсон ҳаёти ва фаолиятини қадриятларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Инсоннинг шахсий ва ижтимоий ҳаётига алоқадор барча буюмлар, нарса ва ҳодисалар қадрият бўла олади. Инсоннинг ўзи, унинг ҳаёти, хатти-ҳаракати, юксак, олижаноб фазилатлари ҳам қадриятлардир. Инсон буюмларнинг хоссаларини, маънавият ҳодисаларини ўз эҳтиёжларини қондириш нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳолайди. Аниқроқ қилиб айтилса, инсоннинг табиий-ижтимоий, маънавий эҳтиёжларидан унинг манфаатлари ҳосил бўлади. Манфаатлар эса мақсадларни шакллантиради.

Қадриятлар умуминсоний ва миллий кўринишларда бўлади. Умуминсоний қадриятлар барча халқлар биносидан яратилган ва инсоний характерга эга бўлган қадриятлардир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларига содиқлигида ҳам кўзга ташланади. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши умуминсоний қадриятларга эҳтиёжнибеҳад кўтарди. Ҳар бир халқ нодир ва бетакрордир. Миллий қадриятлар (айниқса, маънавият) маҳаллий тарихий-географик шароит маконнинг маҳсули сифатида ўша халқнинг миллий манфаатлари билан узвий боғлангандир. Миллий қадриятларнинг моддий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий жиҳатларини чуқур ўрганиш тарбиявий характердаги муаммоларни тўғри ёритиш имконини беради.

Инсоннинг шахсий фазилатлари, шубҳасиз, маънавий қадриятлардир. Ақллилик, масъулият, эркинлик, ирода, ахлоқий эътиқод каби фазилатлар шахсга хос қадриятлар бўлиб, улар жамият таъсирида шаклланади. Моддий мўл-кўллик, маиший қулайликлар, ижтимоий-ҳуқуқий ҳолат, шахсий эркинлик ва хавфсизлик, таълим ва тарбия, хилма хил маънавий эстетик, озуқа" билан таъминлаш йўлидаги ҳаракатлар бунга мисол бўла олади. Мустақил Ўзбекистон бозор иқтисодига ўтаётган ҳозирги даврда умуминсоний ва миллий, ижтимоий ва шахсий қадриятлар, уларнинг диалектикаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда тарихий, миллий, моддий ва маънавий қадриятларни тиклаш, мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва кенг ёйиш, халқимизни, ёшларни шу қадриятлар руҳида тарбиялаш учун кураш кетмоқда.

Биз Андижон педагогика университетида ва тиббиёт институтида ёшларнинг миллий қадриятларга муносабатини ўргандик. Ана шу мақсадда савол-жавоблар ўтказдик, анкеталар тарқатдик. Кузатишлардан шу нарсалар маълум бўлдики, кўпчилик ёшлар Ватан манфаатларини, миллий-ғурурни энг юксак қадриятлар деб биладилар. Бир гуруҳ талабалар виждон эркинлигини маъқуллаганлар, мусулмончиликни, ҳадисларни маънавий қадрият сифатида юқори баҳолаганлар. Миллий ва умуминсоний қадриятлар муштараклиги ҳам ёшлар томонидан тан олинган. Кузатувимиз натижалари шундай хулоса чиқариш имконини берадики, ёшларга хос шахсий қадриятлар миллий ва умуминсоний қадриятлар таъсирида шаклланмоқда, мустаҳкамланмоқда. Қадриятлар ва ёшлар тарбияси диалектикасининг шу тарзда намоён бўлаётганлиги бизни беҳад қувонтирди.

Абдурашид НОРМУҲАМЕДОВ,
Андижон.

"Балли қизлар" танлови сўнгги пайтларда анча оммалашиб бормоқда. Бу ҳозирги даврда ёшларни миллий руҳ, қадимий қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

СУРАТДА: Асака педагогика билим юрти талаба-қизларининг "Балли қизлар" кўрик танловидан лавҳа.

Р. ХОЖИМАТОВ сурати.

Йиллар яширган ҳақиқат

ОЛТИН ЮТГАН ЧОЙХОНАЧИ

Фалон болакай беҳосдан тугма ютиб қўйибди ёки қайсидир қизалоқ билмасдан оддий мунчоқни ютиб юборибди, деган гаплар қулоғингизга чалинган бўлиши мумкин. Аммо асл олтинни ютган одамни учратганмисиз?!

Ҳақиқатан ҳам бир эмас, бир нечта тилло тангани ютган одам бор. У Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги "Москва" жамоа хўжалиги ҳудудида яшайди. У яъни Соли ака Сафоев жамоа хўжалиги марказида хўрандаларга хизмат қилади: кабоб пиширади, чой дамлаб беради.

Ана шу ўрта бўйли, миқтидан келган чойхоначи бир пайтлар олтин ютган. Келинг, яхшиси воқеа тафсилотлари ҳақида унинг ўзидан эшитайлик.

— Соли ака! Олтин деган савил қолгурни кўриш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Сиз эса олтинни наинки кўрган, балки ютиб ҳам юборган экансиз, тўғрими?

— Ҳа, шундай бўлган эди. (мийиғида кулади).

— Ўша ҳодиса ҳақида гапириб берсангиз!

— Хўп, гапириб берай. Фақат сабру бардош билан эшитишингизга тўғри келади. Сабаби бу воқеанинг тарихи узоқ. Эллигинчи йилларнинг бошларида мен 15-16 яшар ўспирин эдим. Албатта, вояга етган ҳар йигит бирор ишнинг этагидан тутиши керак. Мен қаерга бориб ишласам экан? Ана шу саволга жавоб излаб юрганимда тенгқурларимдан бири ажабтовур гап топиб келди. Эмишки, юртимизда Москвадан келган археологлар ишлаётир ва уларга маҳаллий ёшлардан ишчилар керак. Бордик. Эшитган гапларимиз рост экан. Маош маҳаллий корхоналардагига қараганда 10 баравар кўп. Бунинг устига, Москва таъминоти. Биз билан ўрта бўйли, сариқмағиз юзли, кумушранг мўйлови ўзига ярашган одам — археологлар раҳбари гаплашди.

— Ўша Хоразм археология ва этнография илмий сафари етакчиси собиқ иттифоқ Фанлар Академияси мухбир-аъзоси, профессор Сергей Павлович Толстовни назарда тутяпсизми?

— Ҳа. Сергей Павлович бизни ишга қабул қилди. Вазифамиз нимадан иборат эканлигини эринмай тушунтирди.

— Кечирасиз, нима иш қилганлигингиз бизни ҳам, муштарийларни ҳам қизиқтиради.

— Археологлар бизнинг юртга 1937 йилда келган эканлар. Улар ҳар бир қадимий қалъа ва қўрғонларни қазиб ўрганардилар. Бизга бир чўтка билан бир иш пичоғи берилди. Археологлар кўрсатган қалъа қисмида ер қатламини секин тозалар эдик. Ёриқ чиқса қазиб кўрардик. Қандай қадимий буюм топсак, археологни чақиришимиз керак эди. Нодир металл ёки қимматбаҳо безак топилса, раҳбарга хабар берар эдик. Савицкий деган рассом ҳам бор бўлиб, топилган ҳар бир буюмларни суратга олар, кўпларининг расмини чизарди.

— Демак, Қорақалпоғистонда Давлат санъат музейини ташкил этган, уни оламга машҳур экспонатлар билан тўлдирган И. Савицкий билан (музей ҳозир унинг номи билан юритилади) бирга ишлабсиз-да?

— Ҳа. Ростини айтсам, археологлар орасида ажойиб одамлар кўп эди. Биргина Сергей Павловичнинг ўзини олинг, яхши одам эди. Лекин саломатлигининг мазаси йўқроқ эди. Ёнида врачи бўлар, тез-тез олимнинг сиҳатини текшириб турарди. Бир куни ана шу дўхтурдан айрилиб қолдик...

— Қандай фалокат юз берган?

— Биласиз: элимизда юзлаб қадимий қалъалар бор. Уларнинг кўпчилигини текширганмиз. Тупроққалъа, Қизилқалъа, Қаватқалъа, Элликқалъа, Думанқалъа, Гулдурсун, Норинжонқалъа, Бурғутқалъа, Қирққизқалъа, Қўрғошинқалъа, Ёнбошқалъа, Аёзқалъа... Хуллас, санаб саногига ета олмайсиз. Улар ичида Қўйқирилганқалъа жуда ўзига хос. Расадхона шаклида қурилган бу ёдгорлик текширилаётган кунлардан бирида ўша дўхтур шу атрофдаги қўлга чўмилгани боради. Қайтаётганида довул туриб, қаттиқ гармсел эсади. У барханга ёнбошлайди-да, ёқасини кўтариб ётади. Бора-бора бояқиш пинакка кетади. Ва шўрликни қум кўмиб ташлайди. Уни зўрга топиб олдик ҳамда вертолётда сўнгги йўлга... кузатдик.

— Археологик қазишлар чоғида асосан нималар топардинглар?

— Турли ашёлар топардик. Масалан, шахсан мен кумуш товоқ, гавҳар мунчоқ, бошқа-да кўплаб нарсалар топганман. 1950 йилмиди, 1951 йилми, кўҳна Урганч атрофидаги қадимий қалъаларни бир ярим ой текширдик. Шунда бирга ишлаётган ўртоғим билан бир кўза топдик. Ичида 7 та тилло танга бор экан. Ёнимизда археологлардан ҳеч ким йўқ эди. Анча вақт бир-биримизга қараб ўтирдик. Нима қилиш керак?! Охири таваккал қилиб ўртоғим 4 та, мен 3 та тилло тангани ютиб юбордик. Бироздан кейин қошимизга Сергей Павлович Толстов келиб қолди. Биз топган кўзани синчиклаб текширди ва кўзларимизга қараб:

—Азаматлар! Бу кўзанинг ичидаги олтин қаерда?! — деди.

Уни алдаб бўладими? Қизариб-бўзариб қайсимиз қанча олтин ютганимизни тан олдик. У ҳар қайсимизга биттадан "соқчи" қўйди. Биз қаерга борсак, "соқчи" ҳам шу ерга боради. Ўтирсак, ўтиради, турсак туради.

Хуллас, олтин қайтариб берилди. (яна мийиғида кулади).

— Соли ака! Ўша сиз ютган олтин ҳозир қаерда деб ўйлайсиз?

— Буниси энди худога аён. Археологлар бизда 40-50 йил ишлашди. Улар қаторида 4-5 йил ишлаган бўлсам ҳам менинг кўз ўнгимда минглаб қимматбаҳо буюмлар топилганини биламан. Бу ашёларнинг ҳаммаси Москва ва Санкт-Петербургга ташиб кетилди. Ота-боболаримиздан мерос қолган бу нарсалар юртимизга қайтариб берилармикан? Ким билади, дейсиз!

Шундай деб, чойхоначи чуқур ўйга толди-да, пиёлага аччиқ чой қуйиб менга узатди. Соли акага мароқли суҳбати учун ҳам, аччиқ чойи учун ҳам раҳмат айтар эканман, биз ўтирган жойдан ярим чақирим нарида қадим Элликқалъа (туман номи хиёл ўзгартирилган тарзда шу қалъа номидан олинган) қўрғони қад кўтариб турарди. Бундай ёдгорликлардан Ўзбекистонда қанча бор? Мингми, ўн мингми? Кўп. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Қўқондан қандай моддий ва маънавий бойликлар ташиб кетилгани ҳақида гапирмай қўяқолайлик.

Тупроққалъа, Холчаён, Варахша, Фаёзтепа, Айритом каби юзлаб ёдгорликлардан олиб кетилган минглаб қимматбаҳо буюмлар, санъат асарлари қаерда?

Уларни миллион-миллион долларга ҳам чақиш мумкин эмас. Москва ойнаи жаҳони орқали турли хил асоссиз даъволар билан чиқаётган айрим жанобларнинг сафсатасини эшитиб туриб, гоҳо ўша оддий чайхоначи ҳикоясини эслаб кетаман...

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

КУЙЛАРНИ КУЙДИРГАН КУЙ

ёки ғижжак ва ғижжакчи ҳақида

Куйларни куйдирган куй — ғижжакнинг ноласи. Ғижжакнинг ноласи эса саҳродаги беватан бўрининг увлаши:

Дарахтларнинг нафаси;
инсоннинг қони;
ернинг юраги;
минг йил аввал туғилган туйғуларнинг минг йилдан кейин қайта туғилиши.

Ривоятларда айтилишича, Ибн Сино ғижжакни қовоқдан ясаган. Ва уни чалиб руҳий касалларни даволаган.

***

Республикада таниқли созанда Шуҳрат Йўлдошев, дастлаб ғижжакни қўлга олганда жуда ёш эди. Кейин устозлар дарсини олиб, секин-секин "пишиб" борди. Бу кунга келиб, Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлди.

Тўхтасин Жалилов дуосини олган моҳир ғижжакчи Шуҳрат Йўлдошев дунёнинг мунглиғ куйларини чалганда, мухлислар сел, йиғилганлар эл бўлади. Далил шуки, Шуҳрат ака 40 дан ортиқ давлатларда бўлган. Айниқса, Югославияда икки соат тинмай концерт берганида олқишларга қўмилиб қолган эди. Айни кунда Шуҳрат Йўлдошев Ўздавтелерадио компанияси қошидаги Дони Зокиров номли халқ чолғу асбоблари оркестрининг концерт мейстери бўлиб ишлайди.

***

— Шуҳрат ака, куйга қандай нисбат бера оласиз?

— Куй инсон танасидаги қондир. Мен куй чалаётганимда ичимда нималардир бош кўтаради.

— Ғижжак ёки скрипка билан саҳнада пайдо бўлганингизда одамлар сизни қандай кутиб олишади?

— Аввало шуни айтиш керакки, ҳар бир маросимнинг ўз куйлари бўлади. Бошқа пайт эса мухлисларнинг мусиқий дидини билсангиз, ҳаммаси осон кечади. Доим улар истаган куйни чаламан.

— Биринчи лаппагингиз (пластинка) қачон чиққан?

— 1971 йил. Унда ўзим севган "Тановар" ва яна И. Акбаровнинг "Алла", "Қиличбозлик" рақсининг куйи кабилар бор.

— Сизда ижод қилиш жараёни қандай кечади?

— Нима десам экан, бу пайтда юрак ниманидир истаб қолади.

— "Туркистон"га қандай истагингиз бор?

— Бу ажойиб газетада ҳофизлар ҳақида қизиқарли мақолалар бериб борилади. Лекин менинг истагим — фақат улар ҳақида эмас, балки созандалар, созлар ҳақида ҳам мақолалар бериб борилса...

***

Тун қуйилганда ёки тонг бўзара бошлаган пайт овознигорнинг қулоғини бурасангиз етти иқлимни етакловчи куйларни эшитасиз. Бу куй — ғижжакнинг ноласи, найнинг фиғони. Булар фақат саҳродаги беватан бўрининг увлашига ўхшайди.

Фурқат МЕЛИ.

Байрам совғалари

Тошкент чинни буюмлар заводи мамлакатимиз мустақиллигининг уч йиллигига бағишлаб 25 турда янги маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. "Тинчлик", "Оқ кабутар", "Пахта", "Тонг", "Нафосат" каби чойнак-пиёла, қаҳва идишлари, кўза, лаган ҳамда совғабоп ҳайкалчалар шулар жумласидандир. Байрам туҳфаларини корхонанинг қўлигул рассомлари Ғайрат Даминов, Анвар Нўъмонов, бадиий лаборатория бошлиғи Равшаной Мавлонова яратди.

ЎзА мухбири.

Нуқтаи назар

ҚУШИҚЛАРИМИЗ СИЗГА ЁҚАДИМИ?

Ўзбек халқи чин маънода илдизи мозийларга тақалиб кетган, бутун башариятни лол қолдирган ҳақиқий санъати билан фахрланса арзийди. Санъатнинг қайси тури бўлмасин, меъморчилик, тасвирий санъат, қўшиқчиликми, барида миллатни жаҳонга танитган етук намоёндаларига эга бўлган ва бўлаверади.

Ўткинчи ҳавас, ғаразли манфаатлар йўлида яратилган санъатни эса вақт суронлари бешафқат махв этади, беиз йўқотади. Шу миллатни урф-одатлари, анъаналари ва санъатини ҳаддан ташқари севиб эъзозловчи холис фарзандлари сифатида қўшиқчилик санъатининг бугунги ҳолати, келажаги ва муаммолари ҳақида холисона фикр юритишга азми қарор қилдик.

Тақдир тақозоси билан бугунга келиб, санъатнинг бу турида ҳам турли-туман оқимлар, йўналишлар пайдо бўла бошлади. Ойнаи жаҳон ва радиодан кўпгина янги номлар ва овозлар тарала бошлади, уларнинг орасида ҳақиқий санъаткор сифатида кашф этилганлари ҳам кўп. Буларнинг барчаси қувончли ҳол, демак санъатимиз ҳеч қачон йўқолмайди, жаҳон санъати орасида миллатимиз маёгини кўтариб тураверади. Аммо масаланинг бошқа томони бор. Жумладан, ўзбек қўшиқчилиги ва мусиқачилигининг шаънига нуқс бўлиб тушадиган янги санъат намуналари ҳам пайдо бўла бошлади. Масалан, ўтган йили ойнаи жаҳонда жозибадор мусиқали "Ламбада" номли хорижий қўшиқ эшиттирилди, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ламбада мусиқасига думбул бастакорлар томонидан ўзбекча сўз бирикмалари (шеър дейишга ҳам тилинг бормайди) мажбуран ёпиштирилган кетма-кет уч хил қўшиқ пайдо бўлди. Битта ўғирланган мусиқага учта қўшиқ... Ахир шеър, ғазал вужуд бўлса, мусиқа унинг жони-ку! Шунчалик ҳам субутсизлик бўладими? Хайриятки, овоз ёзиш студияларидан қулоқни қоматга келтириб турган бу ажабтовур қўшиқлар тез фурсатларда сув устидаги кўпиклардек интиҳога юз тутишди.

Яқинда пойтахт марказий универмагининг шимолий эшигида кассеталар билан савдо қилиб ўтирган йигитчанинг магнитафонидан таралаётган оҳанга қулоқ тутиб, ақлимиз лол қолди. Кассета бошдан оёқ машҳур ўрис хонандаси Алла Пугачёванинг қўшиқлари мусиқасига мосланган маза-матрасиз қўшиқлардан иборат эди. Ҳаёсизларча ўғирланган куйларнинг ёдимда қолганлари "Миллион роз", "Лето", "Король" каби қўшиқларнинг мусиқаларидир. Холисанлилло айтинг, бу плагиатлик, бориб турган шармандагарчилик, миллатни оёқ ости қилиш билан баробар-ку, ахир. "Чўли ирок", "Сурнай ироғи", "Сақили калон" каби вужудга жон киритувчи мусиқаларни яратган, жаҳонга Муҳаммаджон Мирзаев, Абдуҳошим Исмоиловдек иқтидорли бастакорларни етказиб берган халқимизнинг куни шунга қолдими?

Бир никоҳ тўйида қатнашишга тўғри келди. Қотмагина йигит эстрада жанрида нолиш қилар, мусиқа асбоблари шовқин-суронидан унинг овози зўрга эшитилар, қўшиқларнинг бариси битта мавзу — қиз болага бағишланган эди. Айниқса, битта қўшиғи фақат битта тўртликдан иборат эканлигини тинглаб, йигитнинг иқтидорига қойил қолдик. Мана ўша тўртлик:

Сени севдим қизгина,
Мени эса севмадинг.
Ҳажрингда нола чекдим,
Сен барибир севмадинг.

Даврани машҳаргоҳга айлантириб ирғишлаётган ёш-яланглар учун қўшиқ мазмунининг умуман фарқи йўқ эди, "Астағфуруллоҳ", — дедик ўз-ўзимизча, на шакл, на мазмунга эга бўлган бу антиқа шеърнинг ижодкорлари ким экан? Ахир, ғазал, шеър дегани қалбнинг энг муқаддас, энг гўзал туйғуларининг гўзал ифодаси бўлиши лозим-ку? Ҳар қандай сўз бирикмалари-ю, мастона алжирашларга куй басталаб қўшиқ даражасига кўтариб, маънавий меросимизни булғайверсак, келажак авлодлар кўзига қандай қараймиз?"

Тақлидчилик масаласида икки оғиз сўз: сўнгги йилларда турк, эрон, озарбайжон, ҳинд қўшиқчилигига тақлид қилувчи санъаткорлар ҳам ёмғирдан кейинги қўзиқоринлардек кўпайиб қолишди. Буларнинг барчаси (ўша санъаткорлар бизни кечиришсин-у), танбаллик ва ишёқмасликдан далолат беради.

Марҳум санъаткорлар Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқовларнинг (уларни Аллоҳ раҳмат қилсин) қўшиқлари радиодан таралганида ҳатто бешикдаги гўдак ҳам йиғисидан тўхтаган. Севимли хонандаларимиз Шерали Жўраев, Фахриддин Умаров, Олмахон Ҳайитова, Муножат Йўлчиева, Замира Суюноваларни тинглаганимизда қалбимизни миллий ифтихор эгаллайди, куй ва қўшиқ сеҳридан тан ва руҳ ором олади, яратганга шукроналар айтамиз.

Ниятимиз шуки, санъатимиз, маънавиятимизни бачканалаштириб, қашшоқлашиб кетишига сабаб бўлаётган мусиқаларни яратаётган, курама қўшиқларни дунёга келтираётган думбул санъаткорлар, отарчилар "ижоди" махсус назоратдан ўтказилса яхши бўларди. Бу билан миллий маданиятимиз, маънавиятимиз кусурлардан тозаланиб, авлодлар олдидаги буюк бурчимизни адо этган бўлур эдик.

Алижон ЗОҲИДИЙ,
Тўлқин НОРМУРОДОВ,
шифокорлар.

ОТЛАР ЯЙЛОВДА... *Т. НОРҚУЛОВ сурати.*

Газета саҳифаланаётганда

ҚУВУР-ТЕШАРЛАР

Олтиариқ туманидаги нефтни қайта ишлаш заводида уюшган жиноятчилар гуруҳи фош этилди. Улар 20 тонна дизель ёнилғисини корхонадан ўз "гўшасига" ҳайдаб ўтказаётганда қўлга тушди. Бу гуруҳ анча вақт мобайнида нефть қурилмасидан заводга туташ новвойхонага яширин қувур тортиб, ёнилғи ўмариш билан шуғулланиб келган. Қурилма бош оператори Саид Назаров, оператор Содиқжон Сатторов, механик Геннадий Корабейниковлардан иборат тўдани туман ички ишлар бўлими ходими Муҳитжон Каримов қўллаб келган. Ўғирланган ёнилғини эса тошлоқлик учар ҳайдовчи Ҳошимжон Ёқубов керакли жойга етказиб бериб турган.

Ушбу жиноий ишга алоқадор 22 киши ҳибсга олинди. Бу шахслар зўравонлик, талончилик билан ҳам шуғулланганлиги аниқланди. Текширув пайтида уларнинг уйидан 3 та калашников автомати, кўп миқдорда ўқ-дори, граната ва бошқа қурол-аслаҳалар топилди.

Р. КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.

КЕЛГУСИ СОНДА:

• ТЎЙ ОҚШОМИ ЎЗГАЧА
• ҲАММАСИНИ ТАҚДИРГА ТЎНКАБ КЕТАВЕРАСИЗМИ?

ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК!

"ҲАВО ЙЎЛЛАРИ" НАРХНИ АРЗОНЛАШТИРМОҚДА

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясидан маълум қилишларича, республика ичидаги ҳаво йўлларида чипталар нархини 20 фоиз арзонлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинган. Янги тарифлардан келиб чиқиб, билет сотадиган "Сирена" автомат системасини қайта созлаш бошланди, бошқа тайёргарлик ишлари давом этмоқда. Чипталарни арзонлаштирилган янги нархларда сотиш 25 августдан бошланади.

Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбири бу хабарни шарҳлашни "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Бош директори Ғ. Рафиқовдан илтимос қилди.

— Ҳукуматимиз пул-молия тизимини мустаҳкамлаш, миллий валютанинг харид қобилиятини кучайтириш учун барча чораларни кўряпти. Бизнинг авиакомпаниямиз ҳам бу ишга ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқда. Биз республика ичида юк ва йўловчи ташишдан олинадиган тушумлар ҳисобигагина эмас, балки халқаро рейсларни бажаришдан, тижорат ишларидан топадиган маблағларимиз ҳисобига ҳам яшаймиз. Иқтисодчиларимизнинг таъкидлашича, нархларни пасайтириш компанияга зарар келтиради. Лекин биз бу зарар ўрнини фаолиятимизнинг бошқа турлари, жумладан, халқаро йўллар ҳисобига қоплаймиз.

Биз республикамиз аҳолиси манфаатларини кўзлаб, одамларнинг ҳизмат сафари ёки бошқа ишлар билан қатнашини чеклаб қуймаслик мақсадида чипта нархини арзонлаштиряпмиз, деб таъкидлади компания раҳбари. Бу қатновнинг тезлашиши эса — иқтисодий омилдир. Одамларнинг чипталар нархи қимматлиги, парвоз жадвалининг тез-тез ўзгариши хусусидаги шикоятлари ҳам ҳисобга олинди... Республика ичида қўшимча рейслар ташкил этиш учун техник имкониятларимиз, самолётларимиз бор. Шу билан бирга, масалан, Тюмен вилоятидаги, Татористондаги нефть ва газ конларига хизмат қилиб, валюта ишлашни давом эттирамиз. Россиянинг Узоқ шимолидан, бошқа минтақалардан, шу жумладан олис чет эллардан даромадли буюртмалар олишга ҳаракат қиламиз.

(ЎзА).

КЎЗ ТЕГМАСИН, КЕЛИНЛАР!

КЕЛИНЛАР АЛЛА АЙТСА... "ГУЛЁР"ДАН ҲАММА ХУРСАНД.
МАЙНАХОН ҒОЛИБ БЎЛДИ.

Охунбобоев қишлоқ клубида мунтазам равишда турли хил мавзуларда маданий дам олиш тадбирлари ўтказилиб турилади. Қишлоқ клуби хўжалик хотин-қизлар қўмитаси ва Ёшлар Иттифоқи қўмиталари фаоллари билан ҳамкорликда ишчи-хизматчиларнинг ва ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказишлари учун тинмай ҳаракат қилиб келмоқдалар. Клубда ўтказилган "Қувноқлар ва зукколар", "Иқбол", "Балли йигитлар" каби тадбирлар барчага манзур бўлмоқда.

Яқинда клубда оила йилига бағишлаб "Балли, келинлар" беллашуви ўтказилди. Беллашув иштирокчилари 2-ўрта мактаб ўқитувчиси Холбека Турсунова, 3-билим юрти ўқитувчиси Майна Равшанова, маиший хизмат уйи чевари Раъно Аҳмедова, ҳамшира Гулнора Турсунова ва қишлоқ клуби бадиий раҳбари Ширингул Саидова каби келинлар белгиланган шартлар асосида ўзаро беллашдилар.

Келинлар биринчи шартда ўзбекона урф-одатларимизга биноан "келин салом", иккинчи шартда ҳар бири она ўз фарзандига айтадиган "Алла"ни ижро этиб берган бўлса, учинчи шартда оила ва турмуш муаммоларидан саҳна кўринишини, сўнгги тўртинчи шартда эса пазандалик ва уқувли эканликларини ўзлари тайёрлаган пиширириқлар ва етиштирган маҳсулотларини намойиш қилиш билан бирга, ўзларининг санъатга, адабиётга бўлган қизиқишларини ҳам намойиш этдилар.

Келинларнинг барчаси шартларни аъло даражада бажардилар. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари 99 балл билан Майнахон Равшанова биринчи ўринни, 97 балл билан Ширингул Саидова иккинчи ўринни, 96 балл билан Гулнорахон Турсунова учинчи ўринни эгаллаганликларини эълон қилдилар.

Кечада ижро этилган "Гулёр" фольклор дастасининг ҳамда ҳаваскорлар Марҳабо Саидова, Гулзор Сувонқулова, Мунирахон Турдиева томонидан ижро этилган дилрабо қўшиқлар ҳамда Тошкент маданият оқартув техникуми талабаси Сайёрахон Турсунова томонидан ижро этилган жозибали рақслар томошабинларга янада завқ бағишлади. Кеча сўнгида туман Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби Лайлохон Тўраева "Балли, келинлар" беллашув ғолибаси М. Равшановага Ёшлар Иттифоқи туман қўмитасининг эсдалик совғасини топширди.

Г. УСМОНОВА,
Жиззах вилояти, Зафаробод тумани.

Диққат: Танлов

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ДАВЛАТ СТИПЕНДИЯСИГА, ҚАНИ, КИМ ДАЪВОГАР!

Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат қўмитаси (ЎзР ФТДҚ) илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш билан шуғулланувчи барча вазирликлар, қўмиталар, академиялар, олий ўқув юртлари, илмий муассасалар ва ташкилот раҳбарларига қуйидагиларни маълум қилади:

1994 йил 1 — 30 октябр 6 мобайнида

ЎзР ФТДҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1995 ЙИЛГИ ДАВЛАТ СТИПЕНДИЯЛАРИ СОВРИНДОРЛИГИГА 2-ЎҚУВ ЙИЛИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАТГАН 3-ЎҚУВ ЙИЛИ АСПИРАНТЛАРИ ЎРТАСИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги "Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида"ги 157-сон қарори, "Аспирантлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари тўғрисида"ги Низом ва уларни тайинлаш тартибига асосан ўтказилади.

Вазирликлар, қўмиталар ва академиялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг аспирантлар учун 1995 йилги давлат стипендияларини тайинлаш бўйича олий ўқув юртлари, илмий муассасалар ва ташкилотларнинг илмий кенгашлари қарорлари асосида тайёрланган тавсияномаларни ҳамда номзод аспирантларнинг ҳужжатларини 2 нусхада ЎзР ФТДҚга 1994 йил 1 октябрдан 30 октябргача юборишлари керак.

Манзилимиз: 700017. Тошкент шаҳри, Х.Сулаймонова номидаги кўча, 29. тел. 39-16-50

Бош муҳаррир Ғаффор ҲОТАМОВ

Туркистон • TURKISTAN

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012. Буюртма Г — 996 42428 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6.